

## **ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ХАЛҚАРО ТУРИЗМ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**Иватов Ирисбек – и.ф.д., профессор,  
ТДИУ “Иқтисодиёт” кафедраси профессори**

**Аннотация:** Мақолада ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар шароитида халқаро туризм бозорининг шаклланиши ва ривожланишининг умумий масалалари кўрилган. Халқаро туризм бозорининг асосий шартлари ва салоҳияти умумлаштирилган ва гуруҳлаштирилган, унинг функциялари тизимлаштирилиб, эволюцион ривожланиш омиллари таснифланган, шунингдек, жаҳон иқтисодиёти ва уни ташкил этувчи миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши учун платформани шакллантиришда халқаро туризм бозорининг роли кўрсатиб берилган..

**Калитли сўзлар:** ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, халқаро туризм бозори, дунё мамлакатлари, миллий иқтисодиёт, дунё минтақалари, жаҳон худудлари, глобаллашув жараёнлари, хорижлик туристлар, туризм имконияти, билимларга асосланган иқтисодиёт, барқарор ривожланиш.

## **МЕЖДУНАРОДНЫЙ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗМА РАЗВИТИЕ ТУРИСТИЧЕСКОГО РЫНКА**

**Иватов Ирисбек – д.э.н., профессор,  
Профессор кафедры "Экономика" ТГЭУ**

**Аннотация:** В статье рассматриваются общие вопросы формирования и развития рынка международного туризма в условиях социально-экономических трансформаций. Обобщены и структурированы основные

условия и потенциалы рынка международного туризма, систематизированы его функции, классифицированы факторы его эволюционного развития, а также показана роль рынка международного туризма в формировании платформы устойчивого развития мировой экономики и образующих её национальных экономик.

**Ключевые слова:** социально-экономические изменения, международный туристический рынок, страны мира, национальная экономика, мировые регионы, процессы глобализации, иностранные туристы, туристические возможности, наукоемкая экономика, устойчивое развитие.

## **INTERNATIONAL IN THE CONDITIONS OF GLOBALISM TOURISM MARKET DEVELOPMENT**

**Ivatov Irisbek, doctor of economics, professor,  
Professor of the Department "Economics" TSEU**

**Abstract:** The article discusses the general issues of the formation and development of the international tourism market in the context of socio-economic transformations. In the course of the presentation of the work, the main conditions and potentials of the international tourism market are summarized and structured, its functions are systematized, the factors of its evolutionary development are classified, as well as the role of the international tourism market in the formation of a platform for sustainable development of the world economy and its constituent national economies.

**Key words:** socio-economic changes, international tourism market, world countries, national economy, world regions, globalization processes,

foreign tourists, tourism opportunities, knowledge-based economy, sustainable development.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини 21 аср бошларидаги ҳолати, дунё мамлакатлари ва жаҳон ҳудудларининг бир-бири билан ўзаро боғлиқлиги кучайган, фан-техника ривожини таъсирида умумпланета миқёсидаги янги муаммоларни юзага келиши ва кескинлашуви ортган шароитда, глобаллашув жараёнларини янада шиддатли равишдаги тезлашиши билан тавсифланади. Интенсивлаштириш жараёнлари ривожланишининг бу босқичдаги энг аҳамиятли хусусиятларидан бири, ишлаб чиқаришнинг турли омилларини давлатлараро аралашиб кетиши ва молиявий капиталларни чегара билмас даражадаги ҳаракатидан иборатдир. Бунинг натижасида глобализация барча иқтисодий муносабатларни қамраб олувчи жараён сифатида намоён бўлиб, унинг барча элементлари бир-бири билан янада мослашган ҳолда ривожланишга сабабчи бўлмоқда.

Жадвалдан кўриб турганидек, дунё минтақалари бўйича халқаро туристларнинг келиши 1990 йилдаги 435 млн. кишидан 2018 йилга келиб, 1 млрд 400 млн кишига етган. Бу ерда етакчилик Европа минтақасига тегишли бўлиб, туристларнинг келишдаги ўсиш суръати юқори даражани ташкил этар экан. Халқаро туризмни ривожланишда ўзига жалб қилувчи, дам олиш, завқланиш учун хизмат қиладиган туристик объектларнинг ҳам мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга. Масалан Европада мавзули парклар мавжуд бўлиб, кўплаб туристларни ташриф буюришига сабабчи бўлмоқда. Мана шундай масканлардан бири Ўзбекистон пойтахти Тошкентда ҳам бўлиб, Диснейленд ва Аквапарк фаолияти билан боғлиқдир. Улар 1997 йилдан бошлаб фаолият кўрсата бошлади ва нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда энг кўзга кўринган парк ҳисобланади. Унинг менежменти ва рекламаси билан яхши шуғулланилса, хорижлик туристларни кўплаб жалб этиш мумкин. Буни амалга ошириш учун паркнинг техник имкониятларини янада кенгайтириш ва объектлар сонини кўпайтириш, қўшимча инвестицияларни жалб қилиш

лозим. Чет эл мамлакатлари тажрибаси бу йўлни энг самарали ва ютуқли эканлигидан далолат беради. Бунинг учун хорижий туристларни туристик маҳсулотларга бўлган талабини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

**1-жадвал**

**1990-2018 йилларда дунё минтақалари бўйича халқаро туристларнинг келиши (млн.киши)<sup>1</sup>**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>1990</b>	<b>1995</b>	<b>2000</b>	<b>2005</b>	<b>2010</b>	<b>2015</b>	<b>2016</b>	<b>2017</b>	<b>2018</b>
Дунё	435	527	674	809	951	1,189	1,235	1,323	1,400
Европа	261,5	304,5	386,6	453,2	489,4	607,7	619,7	671	713
Осиё	55,9	82,1	110,4	154	205,5	279,2	302,9	324	343
Америка	92,8	108,9	128,2	133,3	150,2	192,6	200,9	208,7	217
Африка	14,8	18,7	26,2	34,8	50,4	53,5	58,2	62	67
Яқин Шарқ	9,6	12,7	22,4	33,7	54,7	53,3	53,6	58,1	64

Глобаллашув шароитида Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари ҳукумат томонидан белгиланган ва жуда кўп давлатлар билан иқтисодий алоқалар, турли битимлар, келишувлар амалга оширилган ва оширилмоқда. Шу билан бир вақтда халқаро туризмда амалга оширилиши муҳим бўлган ишларни қуйидагилардан иборат деб биламиз.

1.Халқаро туризмда маркетинг фойдаидан кенг фойдаланиш ва халқаро бозорларни эгаллаш учун интилиш;

<sup>1</sup> Составлено автором на основе статистических данных барометра ЮНВТО,2019 год

2. Ўзбекистоннинг туризм имкониятини бевосита чет элларнинг ўзида ахборот агентликлари орқали тарқатиш ва оммалаштириш учун ҳаракат қилиш;

3. Туризм соҳасида ишлайдиган мутахассисларни тайёрлаш, ўқитиш, улар учун барча имкониятларни яратиб туристларга сифатли хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш;

4. Халқаро туризм ярмаркаларида сурункали тарзда иштирок этиш;

5. Ўзбекистоннинг халқаро туризм бозорида амалга ошириш учун керакли бўлган фаолият турлари ва сифати бўйича буклетлар, проспектлар ва ҳақозаларни тарқатиш;

6. Халқаро туризмда биргаликда фаолият юрита оладиган қўшма корхоналар, компаниялар ва ҳақозаларни тузиш ва уларни фаолиятини кенг йўлга қўйиш.

7. Турли кичик шаклга эга бўлган туристлик комплексларда рақобат муносабатларини янада кучайтириш ва бошқа тадбирлар муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси ҳам бошқа ҳамдўстлик мамлакатлари қатори халқаро туризмни ривожлантириш чора-тадбирларини кўриб, ўзининг миллий моделига асосанган туризмни шакллантириш учун ҳаракат қилмоқда. Бу модел ички имкониятларга, ўзбек халқининг менталитетига ва жаҳон стандартларига мос келадиган талабларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозимлиги таъкидланмоқда. Яна шу нарсани ҳисобга олиш лозимки, инсонларни туризмга ундайдиган ҳолатлар нималардан иборат? Нима учун улар айрим ҳолларда асаб тарангликларига дучор бўлиб, ўз пуллари ва куч-ғайратларини сарфлаб туристик сафарга отланадилар? Қаерга бориш, нима мақсадда боришни танлаш ҳозирги шароитда жуда ҳам беҳисоб бўлиб, улардан санокли йўналишларнигина у ёки бу шахс аниқлаши мумкин. Шу билан бир вақтда халқаро миқёсда қаул қилинган йўналишлар бўйича туризмни ривожлантириш ҳам муҳим масалалардан ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, глобаллашув шароитида туризм тармоғини бошқаришнинг илмий-назарий асослари, унга таъсир этувчи омиллари мега трендлар ҳамда билимларга асосланган иқтисодиётнинг шаклланиш жараёнида ўзгариб бормоқда. Жумладан, миллий иқтисодиётимизнинг ҳар бир корхонаси ички ва ташқи рақобат шароитида фаолият олиб боради. Жаҳонда юз бераётган инновациялар таъсирида ишлаб чиқаришда янги билимларга асосланган инновацион технологияларни жорий этиш зарурати ортиб бормоқда. Ўз навбатида ишлаб чиқаришдаги инновациялар харидорларнинг ҳатти ҳаракатини олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган даражада ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Айниқса, бундай ўзгаришлар туризм тармоғига ва унинг корхоналарига хосдир. Жумладан, туризмда оммавий туризмдан индивидуал туризмга ўтиш зарурати туғилмоқда. Бундай шароитда глобал тенденцияларнинг туризм корхоналарини бошқаришга таъсирини комплекс ўрганиш, туризм корхоналари фаолиятини миқдор ва сифат жиҳатидан тизимли таҳлил этиш, бу жараёнда интернет тизимидан, АКТ ва иқтисодий математик усуллардан кенг фойдаланиш зарурати туғилмоқда.

Тадқиқотлар шундан далолат берадики, замонавий туризм тармоғи ва мажмуасининг мазмун моҳияти, ривожланиш мезонлари тубдан ўзгариб бормоқда. Демак, туризм тармоғи ёки унинг корхонасини бошқариш услублари, маркетинг стратегиялари ва ривожланиш парадигмалари ҳам глобаллашув таъсирида такомиллаштиришни талаб этади. Пировард натижада туризм тармоғини бошқаришда стратегик қарорларни қабул қилишда жаҳон молиявий иқтисодий инқироз таъсирини инобатга олишни, рақобат муҳитининг чигаллашганини, ишлаб чиқаришни модернизациялаш заруратини ҳисобга олмоқ даркор. Бундай шароитда туризм тармоғи корхоналарини бошқаришда маркетинг стратегияларини шакллантиришнинг илмий ёндашувларини янада такомиллаштиришни талаб этади.

Иزلанишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, халқаро туризм бозорини ривожлантиришда меҳмонхона комплекслари билан биргаликда,

меҳмонхона ҳисобланмаган, аммо унинг функциясини бажарадиган объектлардан ҳам кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Меҳмонхоналарда жойлашиш ягона тунаш жойи эмас. Кемпинглар, пансионатлар, ётоқхоналар, шунингдек кўплаган хусусий квартираларда, хонадонларда ҳам туристлар учун тунаш жойини ташкил қилиш имконияти бор. Ўзбекистонда хусусий меҳмонхоналар сонини кўпайтириш ҳам шу куннинг муҳим талабларидан биридир. Унинг ҳиссаси Ўзбекистондаги жами меҳмонхоналарнинг 5 фоизини ташкил этади ҳалос. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, туристларни жойлаштиришда 25 фоиздан кўпроқ туристик фондлар ҳиссаси айнан хусусий меҳмонхоналарга тўғри келар экан. Туристларни жойлаштиришда, одатда бундай объектлар жуда қулай ва содда бўлиб уларни самарадорлиги юқоридир. Кемпинглар шахсий хонадонлар, дам олиш уйлари, ёшлар уйи, туристик масканлари, оилавий клублар ва ҳақозалар туристлар учун жуда қулай бўлган масканлардир. Туризмда буларнинг ичида кенг тарқалгани ва арзони кемпинглардир. Лекин Ўзбекистон шароитида кемпингларни ривожланиши учун кенг имкониятлар шарт-шароитлар мавжуд бўлсада, аммо уларни қуриш, фойдаланиш ишига катта аҳамият берилмаяпти. Ваҳоланки халқаро туризм йўналиши бўйича ташриф буюрадиган туристларнинг кемпинг каби масканлардан фойдаланиши улар учун жуда қулайлик туғдиради. Айниқса ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида мавжуд бўлган иқтисодий қийинчиликлар даврида ички туристларимиз учун бундай масканлардан фойдаланиш арзон ва қулайдир. Бундай масканларда одатда одамлар гавжум, фақат халқаро туристлар эмас, балки Ўзбекистон фуқаролари бўлган туристларни ҳам тез-тез ташриф буюрадиган жойларида қурилиши ва фойдаланишини мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади. Масалан, Фарғона водийсининг "Шоҳимардон" деган қадамжо жойлари шулар жумласига киради. Ёз ойларида бу маскан кўпчилик учун оромбахш жой ҳисобланади ва бу ерга кўплаб дам олувчи, саргузашт қилувчи, табиат манзараси бўлган тоғ, дарё, кўллар ва ҳақозалардан завқланиш мақсадида туристлар кўплаб ташриф буюришади.

Аммо бу ерда замонавий арзон кемпингларни йўқлиги хориждан ташриф буюрадиганлар учун йўл берк эканлигидан далолат беради. Ваҳоланки бу ерда ҳар йили ва ҳатто қиш ойларида ҳам валюта ишлаш имконияти мавжуд бўлиб, бу масалага чуқур ёндашмаслик, ва бу соҳада тадбиркорлик масалаларига бепарволик натижасида катта имкониятлар бой берилмоқда. Бу ерда асосан ички туристлар ташриф буюришади. Улар учун ҳам бу ерда кўп ҳолларда етарли сервис кўрсатилмаяпти.

Туризм бозорини ўрганишда у ёки бу халқнинг урф-одати, самимийлиги, турмуш тарзи, меҳмондўстлиги ва яна бошқа кўплаб омиллар ҳам муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон диёрига бир марта келган туристлар, қандай йўналиш бўйича бўлмасин, ўзбек халқи учун муқаддас ҳисобланган меҳмондўстлиги туфайли яна бир бор бу диёрга ташриф буюришни орзу қилар экан. Олиб борилган социологик кузатишлардан маълум бўлдики, аксарият туристлар Ўзбекистонга яна келиш истагингиз борми? деган саволга "Мен албатта яна келаман, бу ернинг одамларидаги меҳмондўстлик, самимият, одамларга диққат-эътибор мени лол қолдирди", деб жавоб берилган. Яна қўшимча қилиб, Ўзбекистонда ҳам кўрадиган, биладиган, таҳсинлар айтадиган жойлар кўп экан деб фикр билдиришган. Шу билан бир вақтда сервис талаб даражасида эмаслиги қайд қилинган. Бу шу нарсада намоён бўладики, халқаро туризм йўналишидаги шаҳарларнинг катта меҳмонхоналаридаги айрим ходимларнинг кўполлиги, ўз хизмат вазифаларини суиистеъмол қилишлари ва ниҳоят сафардан кўнгли тўлмаганлигини ҳам қайд қилишган. Бундай ҳолат албатта туристлар оқимини нафақат халқаро йўналишда, балки ички йўналишда ҳам кескин камайишига сабаб бўлаяпти.

Ўзбекистон Евроосиёнинг йўллари чорраҳасида жойлашган бўлиб, Осиёга, Европага чиқиш учун қулай имкониятларга эгадир. Бу ҳолат келажакда республика ташки иқтисодий фаолиятини кўплаб давлатлар билан амалга ошириш имкониятларини туғдиради ва технологияларни,



сармояларни, маданий бойликларни давлатлараро ўзаро алмаштириш имконини беради.

Ўзбекистонда туризм индустрияси ва инфраструктураси, шу жумладан, туристик хизмат соҳаси умуммамлакат миқёсида олиб борилган хусусийлаштириш ҳамда бозор иқтисодиёти тизимига ўтиш жараёни талабларига мос ҳолда қайта ислоҳ қилинди. Аммо бу соҳада ҳануз катор муаммолар, ҳатто унинг ривожига ғов бўлиб турган "тўсиқлар" ҳам мавжуд. Мамлакатимиз туризм тизими тараққиётининг жадал ривожланишига салбий таъсир кўрсатиб турган омиллардан бири туристик хизматлар бозорининг талаб даражасида эмаслигидир. Бу эса, ўз навбатида, туризм индустриясининг катта туристик ресурсларга эга бўлган ҳудудларда соҳани ривожлантириш имкониятини чегаралаб қўяди.

Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар нафақат туризм соҳаси ривожланишининг жадаллашишига, балки мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида алоҳида ўрин тутганлиги сабабли, олдин имкони бўлмаган янги туристик хизмат турларининг яратилишига олиб келмоқда. Умуман олганда, Ўзбекистондаги туризм индустриясини ҳали ҳам шаклланиш жараёнини бошидан кечираётган индустрия - т&п! тەшйу, деб ҳисоблаш мумкин. Бу ҳолат туризм хизмат бозори ривожланиши ва бошқариш стратегиясига ҳар томонлама режалаштирилган ҳамда чет эллик ва маҳаллий турмаҳсулот етказиб берувчиларнинг қизиқишлари балансига амал қиладиган ёндашувни талаб этади. Бир томондан, ўзбекистонлик тадбиркорлар қизиқишларининг ҳимоясини таъминлаш, иккинчи томондан эса, туризм бозорида чет эллик тадбиркорлар иштирокида рақобатли муҳит яратиш керак. Буларнинг барчаси, сўзсиз, бозорда ўзбекистонликларнинг фаолиятини рағбатлантиришга олиб келади. Иқтисодиёт инфратузилмасининг асосини ташкил этган транспорт, телекоммуникация, молиявий хизматлар ривожланишининг давом этиши туризм хизмат бозори ривожланиши учун ҳам катта аҳамиятга эга. Шунини ҳам айтиб ўтишимиз лозимки, туризм соҳаси катта маблағ сарфланишини талаб этмайдиган,

ижтимоий барқарорлик омили сифатида хизмат қиладиган ва ҳудудда янги ишчи ўринларнинг яратилишини таъминлайдиган хизмат секторларидан биридир.

Халқаро туризм бозорини ривожланиши карвон йўллари кайта тиклаш масалалари билан ҳам бевосита боғлиқдир. Чунки Ўзбекистон авваллари ва ҳозир ҳам бу қадимий йўлларнинг марказида турибди ва уларни тиклаш бўйича ўтказиладиган тадбирларда унинг иштироки жуда ҳам зарурдир. Айниқса, бу жараён йўл тизимини қандай даражада ривожланганлиги билан боғлиқдир. Шунини ҳисобга олиб, республикада йўл тармоқларини қурилишига катта эътибор берилмоқда.

Шу билан бир вақтда Ўзбекистонни жаҳон бозорига чиқиши учун янги йўл тармоқлари қурилмоқда ва қайта таъмирланмоқда. Масалан, «Андижон - Тошкент - Нукус - Қўнғирот», «Тошкент - Андижон - Ош - Қашғар» тез юрар магистраллари лойиҳаси Буёк Ипак йўлини тиклаш дастурининг асосини ташкил этиб, Европани Хитой Халқ Республикаси ва барча Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари билан боғлайди. Бу йўллардан фойдаланиш натижасида автомобиль транспорти орқали халқаро туризмнинг ривожланиши, савдо-сотиқни мамлакатлараро йўлга қўйилиши таъминланиб, ҳудудлар иқтисодиётини кўтариш ва аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш учун катта имкониятлар яратилади.

Бутун жаҳон туристик ташкилотининг башоратига кўра 2025 йилгача туризмнинг ўртача йиллик ўсиш суръати Европада - 4,1%, Яқин Шарқда 7,8%, Жанубий Осиёда 7,5%, Шарқий Осиёда - Тинч Океани ҳудудларида - 8,2% бўлиши керак. Бу рақам Ўзбекистон учун 15% қилиб аниқланган ва Осиё қитъасига қараганда 2 баробар юқори қилиб белгиланган. Бунинг асосий сабабларидан бири Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари ичида ҳудудий жойлашиши, транспорт қатновини жуда кўплаб давлатлар учун мавжудлиги ва ниҳоят Ўзбекистонга айнан фақат туризм мақсадида келувчилар сонининг ортиб боришини назарда тутган ҳолда амалга оширилишидан иборатдир.

Истиқболли ривожланиш масалалари ҳақида тўхталиб, шуни таъкидлаш лозимки, унинг ҳаммабоп ягона усули йўқлигини таъкидлаймиз. Халқаро туризмнинг ривожланиш истиқболлини аниқлашда статистик истиқболни белгилаш усулларидадан фойдаланган ҳолда туристик мақсадларда Ўзбекистонга халқаро йўналишда ташриф буюрган туристлар сонини 2015-2020 йиллардаги ўсиш суръатини ҳисобга олиб 2021 йилда бу ерга ташриф буюрадиган туристлар сони 6 млн. дан кўпроқ, шу жумладан узоқ хориждан келадиганлар сони 2 млн. кишидан кўпроқ бўлиши ҳисоблаб чиқилди. Ҳар бир турист учун сарфланадиган харажатлар асосида валюта тушумларининг ҳам тахминий ҳисоб-китобини қилиш мумкин.

Ўзбекистонда халқаро туризм бозорини ривожлантириш шарт-шароитлари ва имкониятлари ҳақида тўхталиб, шуни таъкидлашимиз керакки, Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган республикамиз кўйидаги ҳолатлар туризм учун энг қулайдир:

жуда ҳам кўп тарихий обидаларнинг мавжудлиги ва тарих ғилдирагининг ранг-баранглиги;

Ўзбекистонда ҳали оммавий туризмни йўқлиги;

аҳолининг менталитети, меҳмондўстлиги, бошқалар учун ҳар доим яхши самимиятда бўлиши;

табиий-муҳитнинг софлиги, тоғ, сув, ўрмон, гул ва бошқа фауналарни мавжудлиги;

спорт, дам олиш, соғликни тиклаш каби жараёнлар билан шуғулланиш имкониятларини мавжудлиги;

йўл инфратузилмасини яхшиланиб бораётганлиги ва транспорт алоқаларини ўрнатишни қулайлиги.

Халқаро туризм маркетинги жараёни мамлакатга имкони борича кўп хорижлик туристларни жалб қилишга қаратилган бўлиши керак. Айниқса, харажат борасида туризм учун кўп сарфлайдиган туристларни мамлакатга жалб қилиш муҳимдир. Бизга маълумки, жаҳон бозорида Япониядан ташриф буюрадиган туристларга эга бўлиш учун ўзига хос рақобат мавжуд бўлиб,

кўп давлатлар айнан уларни ўз юртларига ташриф буюришини исташади. Чунки япониядан ташриф буюрган турист ўзининг сафари чоғида амалга оширган ҳаражатлари билан биринчи ўринда туради. Агар Япониялик турист Европага келса, у бошқа туристларга қараганда 2-3 марта кўп пул сарфлайди. Айрим мамлакатларда ундан ҳам кўп миқдорда пул сарфлашади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонга япониялик туристларни кўпроқ жалб қилиш масаласига эътиборни қаратишимиз лозим.

Ўзбекистон диёрида хорижликларни ўзига жалб қиладиган ерлардан бири, бу Фарғона водийси бўлиб, унинг Наманган, Фарғона, Андижон, Қўқон шаҳарлари ЮНЕСКО томонидан Жаҳон меъроси умуминсоний қадриятлар рўйхатига киритилгандир. Бу ердаги маданий ва тарихий ёдгорликларнинг бебаҳолигини ва умуминсоний мулкни томоша қилишга кўплар ҳавас қилишади.

Ўзбекистоннинг Фарғона водийсини ўзига жалб қилувчи жиҳатлари шундаки: биринчидан, унинг 30 фоиздан ортиқ ҳудудида тоғ-ўрмон, текислик, боҳаво жойларнинг борлиги туфайли дам олиш, сайр қилиш мумкин; иккинчидан, унинг ҳудудида 1000 мингдан ортиқ меъморчилик ва археологик объектлар бўлиб, уларнинг 400 га яқини давлат томонидан кўриқланади; учинчидан, кўплаб санъат объектлари ва музейлари мавжуд бўлиб, туристларнинг фойдаланиши учун ҳам доим имконият етарличадир. Шунингдек, турмаршрутларни Андижон, Наманган, Фарғона, Қўқон, умуман Фарғона водийси шаҳарлари ҳисобига ҳам кўпайтириш имкониятлари мавжуддир. Айниқса, Марғилон шаҳри бўйича «Атлас ва ипак шаҳри» йўналиши туристлар учун бебаҳо турмаршрут ҳисобланиши мумкин. Бу эса халқаро туризмни ривожлантириш натижасида, туризм тизимининг молиявий кўрсаткичларини яхшиланиш имкониятларини беради.

Умуман туризмни ривожлантириш йўллари жуда ҳам турли-тумандир. Уларнинг қайси биридан фойдаланиш инсонларнинг ўзига боғлиқ. Ўзбекистон аҳолиси учун, бозор иқтисодиёти шароитида кўпроқ савдо сайёҳлиги аҳамиятли бўлиб қолди. Албатта бундай сайёҳликда импорт

сайёҳлигига қараганда экспорт сайёҳлиги устун туради. Бу эса маълум даражада Ўзбекистонни иқтисодий салоҳиятига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам, ҳозирги куннинг асосий мақсади, талаби - республикамизга четдан келувчилар учун хизмат даражасини кучайтириш зарурлигидир. Шу тадбир орқали мамлакатимиз хазинасини валюта билан кўпроқ таъминлаш имконияти туғилади.

Республикамиз туризм индустриясининг охириги йиллардаги ривожланиш таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистоннинг бой табиий ва маданий мероси ҳамда миллий салоҳиятидан тўла фойдаланган ҳолда, унинг барқарор ривожланишини таъминлаш, тармоқ корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш имкониятлари мавжуд. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда республикамизнинг ялпи ички маҳсулотида туризм индустриясининг улуши жуда фоизни ташкил этади.

Ўзбекистон иқтисодиёти глобаллашув шароитида кўпгина ишлаб чиқариш структураларига хос бўлган таъсирлар доирасида ривожланиб бормоқда. Иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичида макроиқтисодий таъсирларнинг структураларидаги кескин ўзгаришлари туфайли тармоқ тузилмаларининг деформацияси рўй берди. Бу вазиятда бозор талаби ва миллий ишлаб чиқаришнинг қотиб қолган нисбати ўртасидаги қарама-қаршилиқни йўқотишни мақсад қилиб қўйган қайта таркибий ишлар муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ижтимоий мақсадга йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг талабларидан бири иқтисодий муносабатларнинг муҳим ижтимоий объекти бўлган ноишлаб чиқариш тармоқларининг ривожланишидир. Шу боисдан мамлакат иқтисодиётида салмоқли ўринга эга бўлган ва Ўзбекистонда мезоишлаб чиқариш жараёнининг табиий режимини тикланиши учун хизматлар соҳасини ривожлантириш орқали хўжалик фаолиятини диверсификация қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида туризм соҳаси ҳам бошқа ишлаб чиқариш соҳалари каби ихтисослашган хўжаликлар қаторига кириб, мамлакатни иқтисодий ривожлантириш воситаси сифатида муҳим аҳамият

касб этади. Иқтисодиётнинг реструктуризацияси бозорни ўрганиш натижаларига асосланган маркетинг стратегияларини ишлаб чиқариш билан бир қаторда олиб борилишини ҳисобга оладиган бўлсак, туристик хизматлар, айниқса, уларнинг бозор тармоғидаги соҳаси бўлмиш стратегик маркетингни ўз ичига олган бошқарувнинг прогрессив усулларига катта эҳтиёж сезмоқда.

Ҳозирги иқтисодиёт хўжалик фаолиятининг амалда барча соҳаларида интенсив тарзда ривож топаётган инновацион жараёнларнинг фаол таъсирида шаклланиб бормоқда. Туристтик бизнес ҳам бундан истисно эмас. Шунинг учун туристик хизматларнинг жаҳон бозоридаги рақобатчилик фақат мамлакатимиздаги компанияларнинг хўжалик фаолияти амалиётига кўпчилик ҳолларда йирик инвестиция харажатлари билан боғлиқ бўладиган инновацияларни доимий тарзда жорий этган ҳолда таъминланиши мумкин. Бунда инновацион фаолият бир тизимли асосда юритилиши, туристик компанияларни ривожлантиришнинг стратегик режаларидан зарурий таркибий қисм сифатида ўрин олиши лозим. Бироқ тадқиқотларнинг кўрсатишича, Ўзбекистондаги туристик бизнес компаниялари шу пайтгача ҳам кўп жиҳатдан тактик мақсадларни йўналиш қилиб олишади, стратегик менежментнинг ҳозирги имкониятларидан фойдаланишмайди, инновацион хизматларни ишлаб чиқариш ва жорий этшга лозим даражада эътибор беришмайди.

Милий туристик корхоналардаги менежмент сифатини жиддий яхшилаш талаб қилинади. Истеъмолчиларнинг уларга кўрсатилаётган хизматлар сифатига нисбатан тақдим этиётган рекламацияларнинг юқори даражада эканлиги шунинг оқибати бўлмоқда. Бироқ глобаллаштириш даврида туристик бизнесни бошқариш соҳасидаги инновацион стратегияни ишлаб чиқариш муаммоси республикадаги ва жаҳондаги ҳозирги иқтисодий шарт-шароитларни ҳисобга олиб, янада тадқиқ қилишни тақозо этади.

Бизнинг фикримизча, туризм хизматлар бозорида турмахсулотларни самарали амалга ошириш учун биринчи навбатда унинг имиджи катта

аҳамиятга эга. Турмаҳсулот имиджига таъсир килувчи омиллар эса қуйидагилар бўлиши мумкин: мураккаб экологик шароитлар, сиёсий вазиятлар, аҳоли ўртасидаги тили, дини, миллати бўйича зиддиятлар, паст даражадаги хизмат турлари, қизиқ бўлмаган меъморий қурилишлар ва бошқалар. Юқоридаги фикрларни умумийлаштириб биз бу омилларни иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маданий, маиший ва инфратузилмавий омиллар даражасида кўришимиз мумкин (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Турмаҳсулот имиджига таъсир этувчи омиллар

Сиёсий	Мамлакатдаги сиёсий вазият. Криминал ҳодисалар. Давлат органлари томонидан ўрнатилган назорат.
Маиший	Турбазалар ва шу каби жойларда тозалик ва санитария-гигиенани юқорилиги. Турмарказлардаги туристлар сони. Табиат, атроф-муҳит ва шаҳар ландшафтининг ўзига жалб қилиш хусусияти.
Иқтисодий	Кўрсатиладиган хизматларнинг сифати ва нархларнинг ўзаро мослиги.
Ижтимоий-маданий	Маҳаллий жамиятнинг ўзига хос хусусияти ва маданияти. Миллий санъат, хунармандчилик ва урф-одатларнинг ўзига хослиги. Маҳаллий аҳолининг аҳиллиги.
Инфратузилмавий	Коммунал хизматларнинг халқаро стандартларга мувофиқлиги. Транспорт хизматларини стандартларга мувофиқлиги. Бошқа турдаги объектлар ва хизматларнинг халқаро стандартларга мувофиқлиги.

Манба: Муаллиф тадқиқотлари бўйича тузилган



Шулардан келиб чиқиб айтиш жоизки, туризм индустриясида энг катта ўз таъсирини ўтказувчи омил - бу унинг мавсумийлигидир. Демак, мавсум бўлмаган вақтда туризм талабларининг оқимларини тебранишини турғун ҳолатда сақлаб қолиш учун қуйидагиларга асосий эътиборни қаратишимиз лозим:

ёшларбоп тадбирлар, рок-концертлар, ўзига хос фестивалларни ўтказилишига;

диний туризмга кўпроқ эътибор берилишига (бунда мавсум деган тушунчага кам аҳамият берилади);

маълум бир соҳалар бўйича олимлар ва тадқиқотчи экспертлар учун илмий анжуманлар, илмий тадбирларни ташкил этилишига;

театрни, санъатни, фольклорни хуш кўрувчиларга махсус тадбирларни, яъни миллий чолғу асбоблар бўйича танловлар, картина кўргазмалари, театр, фестиваллари, “Наврўз” сайиллари ва ҳосил байрамларини ташкил этилиши ва бошқаларга эътиборни қаратишимиз лозим.

Туризмда хизматларни сертификатлаш, лицензиялаштириш ва халқаро стандартларга мувофиқлаштиришига корхонанинг рақобатбардошлиги ошади. Туристик хизматларни сертификатлаш – аҳоли саломатлигининг ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган тур маҳсулотлар ёки хизматлар сифатини тартибга солиш жараёнидир. Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, сертификатлаштириш нафақатгина хориждан келаётган маҳсулот ва хизматларга, шунингдек, ишлаб чиқарилган маҳаллий товар ва хизматларга ҳам тегишлидир. Экспертлар тамонидан Ўзбекистонда 2,5 мингдан ортиқ маҳсулот ва хизматлар тури сертификатлаштирилган.

Чет эллик ва маҳаллий тадбиркорлар фаолияти учун рақобатли муҳит яратиш ва назорат чораларининг оптимал уйғунлигини таъминлайдиган туризм хизмат бозорининг бундан кейинги шаклланишига эҳтиёж, айниқса, Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига чиқиш муҳитида яққол сезила бошлади. Чет эл сармоясининг келиши сабабли туристик бизнеснинг кейинги



ривожланиши учун жуда зарур бўлган молиявий ресурслар, илғор технологиялар, хизмат ва бошқарувни амалга оширишнинг самарали усулларига эга бўлади. Ҳозирги пайтга қадар Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида туризм хизмат бозорининг тутган ўрни ҳали тўла эътироф этилмаган. Бироқ, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистонда айнан ички туризм хизмат бозорига бўлган қизиқиш кузатилмоқда. Эҳтимол, айнан туризм соҳаси келажакда мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштирадиган соҳа бўлиши мумкин. Ҳали ҳам хорижга чиқувчи туризм бозори кирувчи туризм бозоридан устун бўлмоқда, натижада валюта келиб тушишининг муҳим манбаи ва экспорт савдосининг фойдали шакли бўлган кирувчи туризм бозори яхши ривожланмай қолмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон дунё туристларининг атиги 1% дан ҳам кам қисмини қабул қиляпти.

Чиқувчи туризм бозори қўшимча рағбатлантирилишга муҳтож эмас, аммо кирувчи туризм бозорининг ҳозирги ҳолати талаб даражасида эмас, уни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш лозим, зеро, у мамлакат иқтисодиётини юксалтиришга жуда катта фойда келтирадиган сердаромад соҳалардандир. Ўзбекистонда кирувчи ва чиқувчи туризм бозори асосида ривожланаётган туристик бизнес нафақат туризм индустриясига, балки ноишлаб чиқариш соҳасига тегишли бўлган бир қатор бошқа соҳаларнинг ривожланишини ҳам таъминлайди. Бу эса тармоқларда ҳамда туристик инфраструктурага тегишли корхоналарда янги иш ўринларининг яратилишига ёрдам беради.

Туризм ташқи бозор конъюктурасининг асосий хусусиятларини ҳамда унинг мазкур соҳанинг устувор йўналишларини аниқлашга бўлган таъсирни Ўзбекистонга келатган фуқаролар оқимининг таркибий тузилиши орқали аниқлаш мумкин. Буни аниқлаштириш учун қўшимча равишда чегараларни кесиб ўтиш ҳақидаги ҳамда саёҳат мақсадлари тўғрисидаги маълумотлар керак бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 2020 йил, 30 декабрь.
2. Джанджугазова Е.А. Маркетинг туристских территорий : учеб. пособие для студентов вузов, обучающихся по направлению подготовки - Туризм / Е.А. Джанджугазова. - М.: Академия, 2008.
3. Клейман, А.А. О новой траектории и стратегии развития туристского бизнеса в условиях экономической турбулентности / А.А. Клейман, О.А. Бабанчикова // Вестник национальной академии туризма. - 2015. - № 1 - С. 22-29.
4. Минаев, В.А. Региональный туризм: прогнозирование и планирование развития в современных макроэкономических условиях / В.А. Минаев, Н.А. Платонова, Е.А. Цыщук // Региональная экономика: теория и практика. - 2015. -№23 - С. 2-12.
5. Севрюков, И.Ю. Рынок туристских услуг: современное состояние и тенденции развития // Экономика: теория и практика. - 2016. - №4 - С. 43 -48.
6. Морозов, М.А. Предпринимательство и конкуренция в туризме: монография / Н.С. Морозова, М.А. Морозов. - М.: Российский новый университет, 2010.